

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВ УМИД НАСРИДДИНОВИЧ

**ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ВА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Мавлянов Умид Насриддинович

Фахруддин Али Сафийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-
ахлоқий қарашлари3

Мавлянов Умид Насриддинович

Социально-философские и духовно-этические воззрения
Фахруддина Али Сафи.....23

Mavlyanov Umid Nasriddinovich

Social, philosophical, spiritual and ethic views of
Fakhruddin Ali Safi.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВ УМИД НАСРИДДИНОВИЧ

**ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ВА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fal235 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жакбаров Муҳаммаджон,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шодиев Рустам Тохирович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мадаева Шаҳноза Омонуллаевна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «09» сентябрь соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» август куни тарқатилди.
(2021 йил «30» август даги № 21 рақамли реестр баённомаси).



И.Эргашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, сиёсий
фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишанова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнларининг борган сари кенг тус олиши шароитида халқларнинг тараққиётида маънавият, маърифат ва миллий ўзликни англаш муаммолари ҳамда уларнинг ижобий ечимларини топиш масалалари тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Бу жараёнларда ўтмиш алломаларининг асарларида илгари сурилган эзгу ғояларга эҳтиёж юзага келиб, улардан фойдаланиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ана шундай алломалардан бири – XV-XVI асрларда яшаб ижод этган, темурийлар даври маданий тараққиётининг намояндаси Фахруддин Али Сафийнинг асарларида илгари сурилган олам, инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари ҳозирги даврда билим ва эътиқод уйғунлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида мусулмон Шарқи мутафаккирларининг, хусусан, Фахруддин Али Сафийнинг меросини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Немис, рус, эрон ҳамда Марказий Осиё шарқшунос, файласуф ва филолог олимларининг бу борадаги ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур илмий тадқиқот ишларида аллома асарларининг форс ва араб тилларида кўчирилган кўлёзма ҳамда тошбосмаларини топиш, таснифлаш, ўрганиш, замонавий таржима ва нашрларини амалга ошириш, хусусан, уларни темурийлар даври ренессанси маҳсули бўлган «Бойсунғур академияси» намояндалари асарлари билан киёсий таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда миллий-маънавий борлигимиз дарғалари бўлган Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий, Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби кўплаб аллома мутафаккирларимизнинг илмий, диний-ирфоний мероси, дунёқараши, ҳаёт йўли ва қадриятларини илмий ва холис ўрганишга катта эътибор берилиб, бу меросни кенг халқ оммасига етказиш ва тарғиб-ташвиқ этиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Шунингдек, «Ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, археология, шарқшунослик, Ўзбекистон халқлари маданий мероси ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда»¹. Ўтмишнинг улуғ мутафаккирлари ҳаёт йўли, илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш авлодлараро ворисийликни таъминлаш омили сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан тасаввуф таълимотининг буюк намояндалари фаолиятининг давомчиси, Хожа Аҳрор Валийнинг издоши ва котиби Фахруддин Али Сафий мероси ва ғояларининг моҳиятини ўрганиш зарурияти мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнақиға хизмат қилсин. Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичға кўтарамиз. 1 жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 169.

«Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чоратadbирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сон фармойиши, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Али Сафийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш ўрта асрлардаёқ Шарқ олимларининг диққат марказида бўлган. Хусусан, унинг мероси ҳақида илк марта замондошлари ва кейинги давр тазкирачиларидан Алишер Навоий, Ҳасанхожа Нисорий Бухорий ҳамда Абдулҳақ ибн Абдулфатҳ Ҳусайний кабилар ўз асарларида ёзганлар. Аммо улар асосий эътиборларини аллома ҳаёти ва фаолиятининг айрим жиҳатларига қаратганлар.

Европада М.Ҳолланд, Ч.Стори, А.Миклухо-Маклай; Эронда Аҳмад Гулчин Маоний, Жалол Ноиний, А.Муъиниён; Туркияда Муҳаммад Қутқу Бурсавий, И.Гундуз, У.Турар, Н.Тўсун; Россияда О.Шчеглова, М.Феофанова, Р.Мусурманкулов каби олимлар Али Сафий меросини тадқиқ этганлар.

Тожикистон олимлари Ҳ.Саидов, Ш.Нуриддинов, М.Аҳмадов ҳаммуаллифлигида нашр этилган уч жилдли «Дурдонаҳои наср (Намунаҳои насри форси-тожик)»да унинг ижодий мероси мухтасар тадқиқ этилиб, қисқача ҳаёт йўли ҳам очиб берилган.

Юртимизда Б.Аҳмедов, Ш.Бобохонов, А.Мансур Али Сафийнинг кўлёзма, тошбосма, литографик асарларидаги илмий ғояларни таҳлил этганлар. М.Ҳасаний ва Б.Умрзоқ Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асарини ўрганганлар нашр этганлар¹. Аллома асарларидаги бадиий жиҳатларни А.Тагирджанов, С.Ховарий, Б.Сайфутдинов², М.Неъматов³, Ҳ.Муродовлар⁴ тадқиқ этганлар. Тадқиқотчилар аллома асарлари адади

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003; Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Обихаёт томчилари). –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004; Умурзоқов Б. Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот айнул-ҳаёт» асарининг қиёсий текстологик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. –Тошкент, 2019. -74 б.

² Сайфутдинов Б.Х. Жанровые и художественные особенности «Латаиф-ут-таваиф» Фахриддина Али Сафи. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. -Душанбе, 2004. -22 с; http://www.dissland.com/catalog/zhanrovie_i_; http://natlib.uz/cgi-bin/irbis32r/cgiirbis_32.exe?C21COM; <http://www.lib.ua-ru.net/diss/cont/94129.html>

³ Неъматов М.С. «Рашаҳоту айнил ҳаёт» Фахрудина Али Сафи и его литературно-мистическое значение. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. – Худжанд, 2009. -23 с. :http://www.dissland.com/catalog/rashahotu_aynil

⁴ Муродов Х.Г. Художественное изображение лошади в истории таджикской литературы. Автореф. дис.....док.филол.наук. –Душанбе, 2010. -48 с. oldvak.ed.gov.ru/common/img/uploaded/files/vak

тўғрисида турлича маълумот берганлар. Жумладан, Ҳожи Сотимхон ва Ҳ.Ҳомидий Али Сафийнинг фақат 5 та, М.Ҳасаний ва Б.Умрзоқов «4 та йирик асари маълум»лигини қайд этган бўлса, Б.Аҳмедов 10 та, Р.Маҳмудов 20 дан ортиқ деб таъкидлаган.

Шунингдек, М.Ҳасанов, Б.Умурзоқов, Ҳожи Сотимхон, Б.Аҳмедов, К.Қаҳҳорова кабилар Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» ва «Латоиф ут-тавоиф» асарларини замонавий ўзбек тилига таржима қилганлар. Мазкур нашрлар аллома асарларини оммалаштиришга қаратилган ишлар эди.

О.Усмон, Н.Комилов, Р.Каттаев, Б.Бабажанов, Б.Валихўжаев ва бошқалар Али Сафий қарашларининг тасаввуф таълимотидаги ўрнига эътибор қаратганлар. Э.Э.Каримов хожагон-нақшбандия тариқати вакилларининг Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнига оид тадқиқотларида Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асаридан кенг фойдаланган. Хусусан, олим XV аср Мовароуннаҳр тарихини ўрганишда асарнинг ўрни, тариқатнинг сиёсий ва диний-фалсафий амалиёти масалалари, Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти, яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари тарихига оид тадқиқотларида ундан асосий манба сифатида фойдаланган.

Ҳ.Алиқулов, Г.Наврўзова, Р.Шодиев, Р.Маҳмудов, Ж.Холмўминов, С.Исмоилов, Д.Бахриева ва бошқалар ўз тадқиқотлари предметдан келиб чиқиб, аллома асарларидан, айниқса «Рашаҳоту айнил-ҳаёт»дан кенг ва атрофлича фойдаланганлар. Лекин уларда ҳам аллома фалсафий ғояларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш асосий масала сифатида қўйилмаган.

Али Сафий ижодий меросига оид адабиётлар таҳлили доирасида олиб борган изланишларимиз натижасида унинг асарларини таржима қилиш, филологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, бой илмий меросини ўрганиш бўйича яхлит илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмаганлиги, ғоялари тизимлаштирилмаганлиги аниқланди. Шу боис ушбу диссертацияда асосий эътибор Али Сафийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этиш ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамиятини очиб беришга қаратилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё мутафаккирлари меросида маънавият масалалари» комплекс тадқиқотлар мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Фахруддин Али Сафийнинг шахс-жамият-давлат муносабатларида билим ва эътиқод уйғунлигини таъминлаш, мураса маданиятини шакллантиришга оид ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашларининг замонавий шахс шаклланишидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XV-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий ҳаётнинг Али Сафий фалсафий қарашларига таъсирини

очиб бериш;

Али Сафийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини редукция қилиш, таржимаи ҳолини тиклаш, илмий фаолиятига баҳо бериш ва шу асосда унинг диний-тасаввуфий, фалсафий-ахлоқий дунёқарашининг ўзига хослигини аниқлаш;

Али Сафийнинг шоҳ асари «Рашаҳоту айнил-ҳаёт»нинг Мовароуннаҳр ва Хуросон илмий-фалсафий, диний тафаккурини тадқиқ этишдаги ўзига хос муҳим манба эканлигини илмий асослаш орқали ҳаётнинг маъноси ва унда инсоннинг ўрнига оид фалсафий ғояларининг ахлоқий тарбиядаги аҳамиятини илмий асослаш;

Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» асарининг Марказий Осиё халқлари фалсафий-ахлоқий тафаккури тарихидаги ўрнини ёритиб бериш;

Али Сафий ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашларини бир тизим ҳолида таҳлил қилиш, ўзига хос жиҳатларини белгилаш, уларнинг маънавий камолот борасидаги ўрнига баҳо бериш ва ўзига хослигини далиллаш;

Али Сафийнинг фалсафий, ахлоқий, диний ва тасаввуфий қарашларини тизимлаштириш ва уларнинг замонавий аҳамиятини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Фахруддин Али Сафийнинг илмий-фалсафий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети - Фахруддин Али Сафийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашларининг ўзига хос жиҳатлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумийликдан хусусийликка ўтиш, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш усуллари ва тарихийлик, мантиқийлик ҳамда ворисийлик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XV-XVI асрлар ислом фалсафаси, объектив идеализмга асосланган тасаввуфнинг ирфоний концепцияси – изчил объектив монистик таълимотга асосланган Фахруддин Али Сафийнинг асарлари давр дунёвий фанлари, шаръий илмлари, калом ва тасаввуф таълимотларини ўрганишда бирламчи, ишончли илмий манба эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

Али Сафийнинг Вожиб-ул-вужуд (Аллоҳ борлиғи) билан Мумкин-ул-вужуд (Олам борлиғи) таълимоти сабаб ва оқибат диалектикасини намоён этиши, Аллоҳ ва ориф борлиқларининг моҳиятий бирлиги файз, судур – эманация тарзида рўй беришига оид қарашлари калом фалсафаси ва тасаввуф таълимотининг пантеизм ғояси билан мутаносиблиги мантиқий асосланган;

Оламни билиш тўғрисидаги Али Сафий гносеологик қарашларида билишнинг теософик, иррационал усуллари ҳамда рационализм усулларида унумли фойдалангани, скептицизм ва агностицизмга қаршилиги, шаръий илмлар, «илми ҳол» (тасаввуфий-мистик) ҳамда дунёвий фанлар («юнонлар илми»)нинг мутаносиблигини таъминлашга эришгани илмий асосланган;

Али Сафийнинг жамият ва шахс муносабатларида муросага эришиш, дин ва тасаввуф вакиллари ижтимоий фаол бўлишлари ҳақидаги, ирода

эркинлиги тўғрисидаги, маънавият, маърифат, олим ва ориф ҳақидаги ахлоқий таълимоти ҳамда амалий ахлоққа оид принциплари, шунингдек, ижтимоий-ахлоқий қарашлари яхлит, изчил ва мунтазам тарзда таҳлил қилиниши орқали уларнинг замонавий таълим-тарбия тизимидаги ҳал қилувчи ўрни, замонавий баркамол авлодни шакллантиришдаги ижобий аҳамияти илмий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фахруддин Али Сафийнинг олам ва одам, давлат ва жамият ҳақидаги ғоялари ҳамда фалсафий-ахлоқий ва диний-ирфоний меросидан фалсафа, диншунослик, маънавиятшунослик, мантиқ, педагогика каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

Али Сафийнинг асарларидаги шахс маънавий камолотига оид ғояларнинг ҳозирги замон ёшлар дунёқарашидаги аҳамияти асосланган ва улардан маънавий-маърифий фаолият тизимида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги; хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишда илгари сурилган ғоялар, илмий хулосалардан ижтимоий фанлар бўйича дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда; фалсафа тарихи, тасаввуфга оид, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий ва ижтимоий-ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий йўналиш ва муаммолари тадқиқига оид кейинги изланишларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Али Сафий асарларида илгари сурилган ҳаётбахш ғоялар замонавий баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, диссертациядаги таклиф ва тавсиялардан аҳолининг турли қатламларига миллий маънавий меросимиз билан фахрланиш, аждодларга муносиб авлод бўлиш ғоясини сингдириш, аждодларнинг маданий анъаналарини ўрганиш ишларини жонлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фахруддин Али Сафийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашларининг моҳиятини очиб бериш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

XV-XVI асрлар ислом фалсафаси, объектив идеализмга асосланган тасаввуфнинг ирфоний концепцияси – изчил объектив монистик таълимотга асосланган Фахруддин Али Сафийнинг асарлари давр дунёвий фанлари, шаръий илмлари, калом ва тасаввуф таълимотларини ўрганишда бирламчи, ишончли илмий манба эканлигига оид хулосалардан «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан жамоатчилик муҳокамалари ва жамоатчилик мулоқоти тадбирларини ўтказиш ҳамда яқунлари бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Юксалиш»

умуммиллий ҳаракатининг 2021 йил 11 июндаги 729/21-сон маълумотномаси). Натижада, ҳаракат томонидан ўтказилган тадбирлар мазмун-моҳияти ва сифати яхшиланишига эришилган;

Али Сафийнинг Вожиб-ул-вужуд (Аллоҳ борлиғи) билан Мумкин-ул вужуд (Олам борлиғи) таълимоти сабаб ва оқибат диалектикасини намоён этиши, Аллоҳ ва ориф борлиқларининг моҳиятий бирлиги файз, судур – эманация тарзида рўй беришига оид қарашлари калом фалсафаси ва тасаввуф таълимотининг пантеизм ғояси билан мутаносиблигига оид ғоялардан А-1-149 рақамли «Ўзбекистон фалсафаси тарихи (уч томлик, ўзбек тилида) асарининг II томини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш» мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда ҳамда Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси «Хайрли кун» кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 08 июндаги 01-01/183-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан грант лойиҳасида фойдаланилгани II томнинг темурийлар даври фалсафий тафаккурига оид ишончли далиллар билан баён этилишига хизмат қилган. Шунингдек, Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси эфирга узатган «Хайрли кун» кўрсатувининг мазмуни илмий асосланган маълумотлар билан бойишига эришилган;

Оламини билиш тўғрисидаги Али Сафий гносеологик қарашларида билишнинг теософик, иррационал усуллари ҳамда рационализм усулларида унумли фойдалангани, скептицизм ва агностицизмга қаршилиги, шаръий илмлар, «илми ҳол» (тасаввуфий-мистик) ҳамда дунёвий фанлар («юнонлар илми»)нинг мутаносиблигини таъминлашга эришганига оид ғоялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот тадбирлари режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2021 йил 2 апрелдаги 04-13/624-сон далолатномаси). Натижада, ўтказилган тадбирларнинг мазмун-моҳияти, сифати яхшиланиши ва бойишига эришилган, аллома мероси ҳақидаги билимларнинг кенг халқ оммаси орасида ёйилишига хизмат қилган.

Али Сафийнинг жамият ва шахс муносабатларида мурасага эришиш, дин ва тасаввуф вакиллари ижтимоий фаол бўлишлари ҳақидаги, ирода эркинлиги тўғрисидаги, маънавият, маърифат, олим ва ориф ҳақидаги ахлоқий таълимоти ҳамда амалий ахлоққа оид принциплари, шунингдек, ижтимоий-ахлоқий қарашлари яхлит, изчил ва мунтазам тарзда таҳлил қилиниши орқали уларнинг замонавий таълим-тарбия тизимидаги ҳал қилувчи ўрни, замонавий баркамол авлодни шакллантиришдаги ижобий аҳамиятига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси фаолияти давомида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 6 апрелдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада, «Терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ёшларнинг ўрни» мавзусидаги халқаро видеоконференцияда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Диссертация натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари битта монография, 3 халқаро ва 26 республика илмий-амалий анжуманларида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 51 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 таси республика ва 2 таси хориж журналида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги даражаси, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби «XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги тарихий вазият ва маънавий ҳаётнинг Фахруддин Али Сафий дунёқарашига таъсири» деб номланиб, унда XV–XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётнинг Али Сафий дунёқараши шаклланишидаги ўрни, минтақадаги мураккаб тарихий-сиёсий, диний вазият тавсифланган ва мазкур шароитларнинг шу даврда яшаган халқ, хусусан Али Сафийнинг дунёқарашига таъсири очиқ берилган.

Диссертацияда Ч.Стори, А.Миклухо-Маклай ва Аҳмад Гулчин Маоний, Жалол Ноиний, О.Шчеглова, М.Феофанова, Б.Аҳмедов, Ш.Бобохонов илмий тадқиқот ишларининг таҳлили асосида Али Сафийнинг ҳаёти ва ижоди Амир Темур салтанатининг таназзули, шайбонийлар ва Мирзо Бобурнинг ҳокимият учун кураш даври билан боғлиқлиги асосланган. Янги тараққиёт йўлига ўтган Эрон сафавийлари минтақада ўзининг мавқеини сақлаш учун шайбонийлар таъсирини синдириш, Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаш ва Туронда Эрон шаҳаншоҳлигини ўрнатишга ҳаракат қилган. Бунинг учун 1506 ва 1511 йилларда Исмоил Сафавий ўзининг кўшини билан Амударёнинг ғарбий соҳилигача борган. Бу ҳарбий сиёсат XVI-XVIII асрларда Нодиршоҳ ва унинг давомчилари бошқарган Бухоро ва Хоразм минтақасининг Эрон тасарруфига ўтишига, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги бобурийлар империяси ва Эрон сафавийлари ўртасида ҳарбий-стратегик рақобатнинг

кучайишига сабаб бўлган. Натижада, Мовароуннахр ва Хуросон минтақасида уч кутбли тарихий, ижтимоий-сиёсий ва диний-мафкуравий жараёнлар вужудга келган. Али Сафий илмий-ижодий фаолияти XVI асрнинг биринчи чорагида минтақада Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Мирзо, Муҳсин Мирзонинг ўзаро ва Хусайн Бойқаро билан давлат бошқарувига даъво қилиб курашлари авж олган тарихий вазиятда шаклланган ва ривожланган.

1512-1528 йиллар оралиғида минтақадаги кучлар нисбати ўзгариб, Бобурнинг ўғиллари Комрон ва Ҳиндол Мирзолар Ғазна, Қобул, Қандахорни бошқарган, Исмоил Сафавий эса Ҳирот, Машҳад, Исфаҳон, Астробод, Сеистон, Мозандаронни эгаллаганлар, бу минтақада шайбоний ўзбеклари ва Анадолу турк давлатларининг тараққиётига жиддий стратегик хавф бўлган. Бу эса ўз ўрнида Эрон ва «буюк сосонийлар» давлат мафкурасини тиклаш учун дадил қадам эди. Зеро, бу даврда анъанавий Эрон худудларида шиа ислом йўналишидаги бувайҳийлар давлати қадимги Эрон шаҳаншоҳлар давлати идора ва бошқарув усулини амалда тиклаган, бувайҳий амири Жалолуддавла расмий халифаликдан воз кечиб «шаҳаншоҳ» унвонини талаб қилган. Сунний ислом давлатларидаги бу хавф салжуқийлар ва буюк имом ал-Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий воситалари билан баргараф этилган.

Эронлик шарқшунос Забехуллоҳ Сафа таъкидлашича, Исфаҳонда икки сунний мазҳаб: 1) Саъдийя (асли келиб чиқиши Нишопурдан) ҳанафий фақиҳлар, садрлар сулоласи; 2) Хўжандий фақиҳлар сулоласи – шофеъийлар ўртасида тўхтовсиз фикҳий ва сиёсий-мафкуравий кураш борган¹ деган фикрга қўшилган ҳолда давлатларнинг таназзули, сунний фикҳ (ҳанафий ва шофеъий) мактаблари ўртасидаги рақобат минтақада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг барбод бўлишига, қашшоқлар, гадолар оммаси, қаландарлар жазаваларининг авж олишига олиб келган, деб ҳисоблаймиз. Темурийлар бу жараённи тўхтатиб, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштиришга эришган бўлсалар-да, сулоланинг сўнгги вакиллари ўртасидаги тўхтовсиз курашлар тасаввуф таркидунёчилиги, шиа жаҳолатпарастлиги ва мутаассиблигини ривожланишига таъсир этган. 1256 йилда охириги расмий халифа қатл этилиши, халифалик бошқарув усули тугатилиши натижасида XIV-XVI асрларда мусулмон давлатлари ҳокимиятни ҳарбий кудрат билан бошқарган. Бу Эрон худудида сафавийлар томонидан шиаликни расмий давлат дини деб эълон қилишига олиб келган². Шиаликни сафавийлар давлати расмий мафкураси деб эълон қилган туркман сафавийлари дастлаб суннийлик вакили бўлган³. Сафавийларнинг шиаликни давлат мафкураси деб эълон қилиши сунний мусулмонларга қарши сиёсат ҳисобланган.

Фахруддин Али Сафий XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг бошида Хуросонда шиаликнинг таъсири кучая бошлаган, суннийлар билан рақобатнинг авж олган даврида яшаган ва бу жараёнлар унинг ижодига

¹ Ворожейкина З.Н. Исфаханская школа поэтов и литературная жизнь Ирана в предмонгольское время. XII – начало XIII вв. -Москва: Наука, ГРВЛ, 1984. -С. 20-21.

² Шмидт А.Э. Из истории суннитско-шиитских отношений // Из работ Восточного факультета Среднеазиатского Государственного университета. –Ташкент, 1927. -С. 5-6.

³ Туманович Н.Н. Герат в XVI-XVIII веках. –Москва: Наука, ГРВЛ, 1989. -С. 105.

таъсир этган. Озарбайжон ва Анadolуда кенг тарқалган сафавия тариқати вакиллари «қизилбошлар», «туркман-қизилбошлар» деб номланганлигини манбалар ҳам тасдиқлайди¹. Шайх Жунайд (ваф. 1460), Шайх Ҳайдар (ваф. 1488) «қизилбошлар» сафавия ҳарбийлашган тасаввуф тариқати қўшинига лашкарбоши бўлиб «кофирларга қарши жиҳод» шиори остида христиан мамлакатларига босқин уюштирган ва бунда 10 минг сўфий ғозийлар (Ғазоти сўфиййа)дан иборат диний-ҳарбий қўшин (орден)² иштирок этган. Шайх Ҳайдардан кейин бу қўшинга Шоҳ Исмоил етакчи бўлган. 1497-1510 йилларда минтақада қудратли, марказлашган давлатнинг асосини сўфий-ғозийлар ташкил этган. XV аср охирида ҳарбий саркарда Исмоил Сафавий ўз мақсадига эришиш учун суннийликдан шиа мазҳабига ўтган. 1500-1502 йиллар оралиғида ҳокимият учун кураш натижасида у ўзини давлатнинг биринчи шаҳаншоҳи, шиаликни эса, давлат мафкураси деб эълон қилган³.

Шиа жаҳолатпарастлиги ва мутаассиблигининг Али Сафий яшаган даврларда Хуросон минтақасида, хусусан Машҳад, Ҳирот ва бошқа шаҳару-қишлоқларида машъум шаклларда намоён бўлганлигини Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида очиб берган. Бу айни Али Сафий ҳаётини балоғат даврида темурийлар кучининг пасайиши, инқирозга учраши ва шайбонийларнинг кучайиши, сафавийлар шиа давлати қудратининг ўсиб боришини, шиалик ақидаларининг расмий эътиқод деб эълон қилиниши, шунга мос, босқинчи, тажовузкор шиа давлат-мафкуравий сиёсатини юрғатишининг дастлабки машъум оқибатлари деб хулоса чиқариш мумкин.

Султон Абу Саид Мирзодан сўнг Султон Ҳусайн Бойқаро Эрон ва Хуросонда, Султон Аҳмад Мирзо ва бошқа темурийзодалар Мовароуннаҳрда барқарор ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан, маданият, диний билимларнинг ривожланиши учун шароит яратган. Бу Марказий Осиёдаги иккинчи «Уйғониш даври» – темурийлар даври цивилизациясининг юқори босқичи бўлиб, Самарқандда «Улуғбек астрономия мактаби» ва Ҳиротда «Бойсунғур академияси»нинг фаолияти Али Сафийнинг олим, мутафаккир, дин ва жамоат арбоби сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган. Бу фикрни Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Ҳавофий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлат, Ҳасанхожа Нисорий Бухорий кабиларнинг асарлари таҳлили асосида исботлаш мумкин. Али Сафий ижодига ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий шароити билан бир қаторда маънавий юксалишининг мутаносиблиги таъсир қилган. Бу таъсирнинг натижаси бевосита унинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Али Сафийнинг юқори даражадаги диний таълим олганлиги сабабидан 1490 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга таклиф этган ва у давлатнинг бош воизи деб эълон қилинган. У Ҳиротнинг барча машҳур мадраса, масжид ва хонақоҳларида ислом, шариат арконларидан дарс бериши билан бир

¹ Хазраткулов М. Философские взгляды Садриддина Ширази. -Душанбе: Дониш, 1985. -С. 10-11.

² Дж.С.Треммингем. Суфийские орден в исламе. –Москва: Наука, ГРВЛ, 1989. -С. 88.

³ Хазраткулов М. Философские взгляды Садриддина Ширази. -Душанбе: Дониш, 1985. -С. 11; История народов Узбекистана. Т. II. –Ташкент, 1947. -С. 40.

қаторда, хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти ва амалиётининг билимдони, фатво бера оладиган юксак нуфузли давлат ва дин арбоби сифатида эътироф этилган.

Мазкур бобда шунингдек, Али Сафий асарлари мазмунининг ҳозирги давр ёшлари диний-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти очиб берилган ва ижодининг асосий босқичлари таснифланган. 1463-1474 йиллар Али Сафий ҳаётининг I босқичи бўлиб, у болалиги, ўсмирлиги, мактаб ва мадрасада таълим олган даврини ўз ичига олади; II босқич – 1474-1490 йиллар давомидаги ёшлиги ва ижодий фаолиятини қамраб олган, айнан шу даврда у ўз билимини намоён этиб, уламо ва шайхларнинг назарига тушган, «Сафий» тахаллусига эга бўлган. 1490-1506 йилларда у Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳиротга таклиф этилиб, бош воиз этиб тайинланиши III босқич деб кўрсатилган, унинг бу даврдаги фаолияти Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида эътироф этилган. Худди шу даврда, яъни 1503 йилда ўзининг машхур «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асарини ёзиб тугатган. 1507-1514 йилларда Ҳиротдаги воизлик, мударрислик фаолияти IV босқич бўлиб, унда Али Сафий Ҳиротнинг аввал шайбоний ўзбеклари, сўнгра сафавийлар кўлига ўтиши жараёнининг кузатувчиси бўлган. 1514-1528 йиллардаги V босқич Али Сафий ҳаётининг энг кам ўрганилган даври бўлиб, у темурийларнинг ашаддий тарафдори, йирик дин ва тасаввуф арбоби сифатида шайбонийлар учун хавфли бўлгани сабабли Ҳирот яқинидаги Убаҳда узлатда яшаган ва ижодий фаолиятини тинч давом эттирган. VI босқич – 1528-1533 йилларни қамраб олиб, унда Шайбоний Убайдуллоҳхон Али Сафийни бир йил давомида зиндонда сақлаган ва 1529 йилда Фаржастонга бадарға қилган. 1532-1533 йилларда Али Сафий ўзининг сўнгги «Латоиф ут-тавоиф» асарини Фаржастонда ёзган¹ ва шу ерда вафот этган.

Демак, Али Сафий ижтимоий зиддиятли даврда яшаган ва ўз асарларида даврга баҳо берган, мураккаб вазиятдан чиқиш учун маърифатни улуғлаган.

Диссертациянинг II боби «Фахруддин Али Сафий фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланиб, унда Али Сафий илмий ижодининг асосий йўналишлари таснифланган. Алломанинг метафизика, фалсафа, тасаввуф ва ахлоққа оид мулоҳазалари дунёвий билимлар; ислом, шариат ва тасаввуфга (хожагон-нақшбандия тариқати) оид қарашлари диний-мистик йўналишда ривожланган. «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асарининг дебочасида 100 дан ортиқ йирик алломаларнинг қарашлари² тўғрисида маълумотлар келтирилиб, таҳлил этилган. Масалан, Жунайд Бағдодий, Боязид Бистомий, Мансур Халлож ва бошқаларнинг ирфоний-фалсафий таълимотларининг моҳияти очиб берилган.

Али Сафийнинг «аҳли сунна вал жамоа» эътиқодига содиқлиги диний дунёқарашининг ифодасидир. Адаб илми талаб, меъёр ва қадриятлари йўналишида ўз даврининг фани, фалсафаси, мантиқ илмини

¹ Ховари С. От переводчика. – Фахриддин Али Сафи. Занимательные рассказы. –Д.: Ирфон, 1977. –С. 4.

² Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б. 18-269.

ривожлантирган¹. Нафис тасвирий санъати, воизлик, нотиклик усулларини тарғиб этган.

Али Сафий онтология – борлиқ масаласига тўхталганда ўзи самимий, чин ихлосли сунний мусулмон сифатида Аллоҳ вужудининг ҳақлиги, боқий, охирги мақсад эканини таъкидлаб, дунёдаги жамики нарса ва ҳодисалар борлигини ўткинчи, ўзгарувчи, йўқ бўлувчи, яъни ҳақиқий бўлмаган борлиқ сифатида талқин этади. Шу билан бирга, пантеистик тасаввуф анъана–ақидасига кўра у ҳам Аллоҳ Ҳақ вужуди – борлиғи, «Ваҳдат-ул-вужуд», «Ваҳдат-ул-мавжуд» ва «Ваҳдат-уш-шуҳуд» кўринишлари тўғрисида ўз фикрлари, нуқтаи назарини бериб ўтганлиги диссертациянинг мазкур бобида баён этилган.

Мутафаккирнинг борлиқ тўғрисидаги қарашлари расмий исломнинг тавҳид таълимотини, яъни «Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин бошқа ҳеч боисти ва хости»² йўқ деган онтологик ечимни – объектив идеалистик, диний илоҳиёт дунёқарашини сўзсиз тан олиш, бу таълимотга изчил риоя қилиш, содиқлик кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга, аллома «Аҳли сунна вал жамоа»нинг бу таълимоти ақидаларини XV-XVI асрда хожагон-нақшбандия таълимоти билан омукта шаклида, яъни мўътадил пантеизм – Жомий³, Кошифий, Навоий талқинидаги «Ваҳдат-ул-вужуд» таълимоти ақидаларига уйғун тарзда ифодалаб, тарғиб этган.

Али Сафий келтирган таърифга кўра, Аллоҳ ҳақиқий борлиқ – субстанция бўлиб, биз кўриб турган, биз унда мавжуд бўладиган олам (яъни «Мумкин-ул-вужуд») ҳақиқий борлиқ эмас, балки ҳақиқий борлиқ бўлган «Вожиб-ул-вужуд»нинг, борлиқ субстанциясининг орази (араз, ориз) – акциденциясидир. Борлиқ муаммосини тушуниш ва талқин этишда Али Сафий кўрсатишича, «... суфиййа била ҳукамонинг орасида ихтилоф турур»⁴. Зеро, файласуф-ҳукамолар – Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа машшойийунлар, яъни Шарқ арастучиларига кўра «Вожиб ул-вужуд», яъни Аллоҳ таоло борлиғи (вужуди) билан «Мумкин-ул-вужуд» – бу дунё, олам борлиғи (вужуди) ўртасида туб фарқ, ўтиб бўлмас чегара бор. Уларнинг биринчиси сабаб, иккинчиси эса оқибатдир. Биринчи сабаб ҳал қилувчи, белгиловчи, ҳаракатга келтирувчи – фойил бўлса, иккинчиси ўткинчи, белгиланувчи, яратилувчи, ҳаракатга келтирилувчидир. Биринчи сабаб (яъни Аллоҳ) вужуди мумкинийсиз ҳам азалий ва абадий мавжуд бўла олади, унга боғлиқ эмас. Вужуди мумкиний эса ўз борлиғида ана шу биринчи сабаб, субстанцияга боғлиқ, у зот туфайлигина мавжуд бўлади, илк сабаб – субстанция (яъни Аллоҳ)сиз мавжуд бўла олмайди, унга боғлиқ, ундан келиб чиқади, унинг хоҳиш-иродасига кўра бор бўлиши, у истамаса ҳар он, ҳар

¹ Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. –Б. 47; 49-51; 96-102; 146; 163-168; 179.

² Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б. 47.

³ Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва нақшбандия таълимоти. –Toshkent: Tafakkur, 2020. -324 б. Шу муаллиф. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. –Тошкент: ЎзМЭ, 2008. -232 б.

⁴ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б. 224.

дақиқада йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган ўткинчи, ўзгарувчан борлиқдир, яъни ҳақиқат бўлмаган борлиқдир.

Али Сафийнинг яна бир алоҳида таъкидлаган фикри Ўрта ва Яқин Шарқ фалсафасида борлиқ муаммосини тадқиқ этишни муҳим, нозик ва мураккаб нуқтасини манбавий аниқлаш имконини беради. Суфийлардан «бир оз тоифа ва ҳукамолар ва мутакаллимнинг аксарлари ул эътиқодга борибдурким, Ул Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг сифатларидан бир сифат турурким, ифозаи вужуд этуб турур». Яъни юқоридагилар ва ҳатто баъзи бир мутакаллимлар талқинига кўра, биз яшаётган, кўриб турганимиз – ўзгарувчан, ўткинчи дунё, яъни «мумкин ул-вужуд» олами ўша бирламчи субстанция (Аллоҳ таоло) вужудидан файз, судур тарзида келиб чиқади. Яъни, Оллоҳ таолонинг ўз вужудидан файзланиши, судури, тажаллийси туфайли (ифозаи вужуд этиб турганлиги учун) пайдо бўлади. Ва бу жараёнга, деб таъкидлайди Али Сафий, «файзи вужудий», «вужуди олам» (яъни умумий, нарса, ҳодиса, жараёнларни ўз ичига олувчи борлиқ) ва «нафс ул-Раҳмон» деб ном бердилар. Шунингдек, Али Сафий Аллоҳ борлиғи – субстанция «вужуди мумкин»да зухур бўлиши, уларнинг моҳиятий бирлиги тўғрисидаги ўз нуқтаи назарини ҳам билдириб ўтади. Бу маълум маънода Форобий ғояларига мос келади: «... мавжуд нарсалар маълум категорияга киради ва (шу тариқа) ягоналик даражасига етади»¹. Форобийга кўра, ақл воситасида эришилган билим охириги мақсад эмас, у фақат жазбанинг муқаддимасидир².

Али Сафийга кўра Аллоҳ таолонинг борлиғи (вужуди)нинг сифати файз, судур бўлиб, бундай бўлмасдан турулмайдди. Айнан мана шу илоҳий вужуд (борлиқ) файзи, судури мабдаъи осар (бошқа ҳар қандай нарса, жараён, ҳодисалар)нинг ибтидоси, асосидир.

Али Сафий борлиқни бу дунё ва у дунё, Қадий (Аллоҳ) билан Ҳодисот (ўзгариб йўқ бўлувчи) дунёси муаммосини, олами жисмоний ва олами руҳоний, дунёвий (илоҳий) нур ва аҳлуллоҳ вакилларида тажаллий бўладиган нурнинг мавжудлиги, нури бениҳоянинг бу олам, аҳлуллоҳга файзи, судури, аҳлуллоҳ вакили – пири-муршид вужуди, борлиғини ғойибликка (йўқликка), ўзини тўла йўқотиб, онгсиз, шуурсиз қилиб қўйиши, лекин оқибатда пири-муршид хуш илоҳий насими (равҳа) билан, унинг таъсирида бу дунёда хушвақт, бахтли бўлиб яшаши, бу дунёдаги борлиғининг Нурга ғарқ бўлган ҳолда давом этиши – ҳоли ана шундай бўлиши тўғрисидаги ўта мураккаб ва ҳатто ҳозирда парapsихология, руҳий таҳлил ривожланган бизнинг замонамиз учун ҳам ҳайратланарли бўлиб кўринадиган иррационал концепциялар тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар беради.

Борлиқ асосини ташкил этувчи Нури бениҳоя тўғрисидаги илк исломдаги қарашлар ҳақида Форобий «Масалалар моҳияти» асарида,

¹ Форобий. Рисолалар. –Тошкент: Фан, 1975. –Б. 89.

² Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг ақл ва билим эволюцияси ҳақидаги қарашлари. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2018. –Б.12.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»¹ асарида, ўрта асрлар диний ва фалсафий таълимотлар тарихи билимдонлари Ибн Надим, Наубаҳтий, Фахрий, Шаҳристоний, Шаҳризурий ва бошқалар ёзишган.

Али Сафийнинг олам ва унинг қонунларини билиш усулларига оид қарашлари ислом қадрият ва анъаналарининг ижобий таъсири остида шаклланган. Унинг фикрича, оламни билувчи инсон ўзини биледи ва шаънини ҳимоя қилади. Али Сафий ўз даврининг юқори олий мадраса таълимини олганлиги – зоҳирий илмлар соҳиби бўлганлиги учун диний-ирфоний ғояларни ҳам илгари сурган ва ўз ижодида диний-ирфоний ва рационал билимларнинг мутаносиблигини таъминлашга эришган. Масалан, аллома ўзининг «Ҳирз-ул-амон мин фитан-ул-замон» номли асарида Қуръони каримнинг ҳарфлари, суралари, оятларининг инсон тана ва руҳи саломатлигини сақлашдаги аҳамиятини асослаган. Айни пайтда, нақлий ва ирфоний билиш даражасини илмий билиш (шариат, фикҳ исбот усуллари)дан устун қўйган.

Демак, Али Сафий ижодида дунёвий рационал ва диний ирфоний билимлар ўзаро тақозоланган.

Али Сафийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ислом анъаналари таъсирида шаклланганлигини таъкидлаш лозим. У тақдири азални тан олган, лекин инсоннинг ўз ақли ва иродаси билан ҳар қандай тўсиқларни енгишига, мақсадларига эришишига ҳам ишонган², аллома одамларни ижтимоий ҳамкорликда муаммоли вазиятни ечишга даъват этган. Али Сафийни инсоннинг ўзи, оиласи ва жамиятда энг юксак олийжаноб мақсадларига эришиш учун ҳалол меҳнат қилиши лозимлиги ҳақидаги ғоясининг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳам эътиборлидир. Давлат арбоблари фақат куч-қудрат, ҳарбий маҳорат билан эмас, балки сиёсий фаолият, сиёсий технологиялар билан, тадбиру-машварат билан иш юритсалар, қилич кучи билан эгаллаган шон-шавкат ва бойликка нисбатан кўпроқ фойда олишлари мумкин деган фикрга келган. Али Сафий фикрича, ҳақиқий мусулмон, чин ихлос ва умид билан Аллоҳга илтижо этувчи, унинг шариати қонунларини амалга оширувчи, биринчи галда фуқароларнинг арз-додини эшитиш, уларга мадад ва ёрдам кўрсатиш йўлида саъй-ғайрат кўрсатиши, бу ишларни бажаришнинг кафили бўлмоғи лозим.

Али Сафийнинг асарларида халқ орасида диний адоват кўзғатиш, таассубларга берилиш зулмнинг бир кўриниши сифатида қораланган. Унинг ижтимоий-фалсафий қарашларида дин вакиллари таркидунёчилик, тақдири азалийнинг ҳукмини кутиб эмас, балки жамиятда тараққийпарвар фикрлар ва соғлом муҳит барқарор бўлиши йўлида ҳукмдорлар, амалдорлар билан мулоқотда бўлишлари, уларни сиёсатга «тузатувчи» сифатида аралаштиришлари лозимлиги ҳақидаги ғоялари янги Ўзбекистонда одамларнинг диний эътиқоди учун яратилаётган шароитлар билан мутаносибдир.

¹ Форобий. Масалалар моҳияти // Форобий. Рисолалар. –Тошкент: Фан, 1975. –Б. 87-95; Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I жилд. –Тошкент: Фан, 1968. –Б. 250.

² Фахруддин Али Сафий. Рашаоту айнил ҳаёт. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б. 202.

Диссертациянинг «Фахруддин Али Сафийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари» деб номланган III бобида Али Сафий ахлоқ ва маънавият масалаларига оид ғояларининг моҳияти очиб берилган ва асосий омиллари таснифланган. Таснифга кўра, аллома ахлоқий қарашларининг биринчи омили ислом шариати – «Ахли сунна вал жамоа» маънавияти ва ахлоқи бўлиб, унинг асосини Қуръони карим, ҳадиси шарифлар (сунна), тафсир, сийрат, шариат қоида, талаб ва меъёрлари ташкил қилади. Бу унинг «Ҳирз ул-амон мин фиттан ул-замон» асарида Қуръони каримнинг харфлари, суралари, оятларининг ўрни, қиммати, шифобахшлиги, хос оятлар ва ҳадислардаги маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланган. Иккинчи – дунёвий маданият ва ахлоқ назарияси билан боғлиқ омил унинг «Илми адаб» – «Адаб илми» йўналишида эканлиги кўрсатилган ҳамда «Латоиф ут-тавоиф» ва «Одобул асҳоб» асарларида юқори даражага етказилганлиги асосланган. Учинчи омил тасаввуфий-ирфоний маънавият ва ахлоқ бўлиб, бу алломанинг «Рашахоту айнил-ҳаёт» асарида баён этилган, «Одобул асҳоб» асарида эса, ахлоқий категория, меъёрларнинг моҳияти асосланган. «Ахлоқ илми» аллома маънавий-ахлоқий қарашларининг тўртинчи омили бўлиб, унда отаси Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асари, шунингдек, Форобий, Ибн Мискавайҳ ва Ибн Синонинг ахлоқ ва ахлоқий қадриятларга оид таълимотлари таснифланган.

